

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АБДУЛЛАЕВА ГУЛБОҲОР ТОЛИБЖОНОВНА**

**ПОЛИФЕНОЛ БИРИКМАЛАРНИНГ МИТОХОНДРИЯ  
ФУНКЦИОНАЛ ПАРАМЕТРЛАРИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УЛАРНИ  
АНТИГИПОКСИК ФАОЛЛИГИ**

**03.00.02 – Биофизика ва радиобиология  
03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

УДК: 577.121.7:612.111.14

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the abstract of doctor of science (DSc)**

**Абдуллаева Гулбоҳор Толибжоновна**

Полифенол бирикмаларнинг митохондрия функционал параметрларига таъсири ҳамда уларни антигипоксик фаоллиги .....3

**Абдуллаева Гулбоҳор Толибжоновна**

Действие полифенольных соединений на функциональные параметры митохондрий и их антигипоксанта́ная активность.....31

**Abdullaeva Gulbokhor Tolibjonovna**

The effect of polyphenolic compounds on the functional parameters of mitochondria and their antihypoxant activity .....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АБДУЛЛАЕВА ГУЛБОҲОР ТОЛИБЖОНОВНА**

**ПОЛИФЕНОЛ БИРИКМАЛАРНИНГ МИТОХОНДРИЯ  
ФУНКЦИОНАЛ ПАРАМЕТРЛАРИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УЛАРНИ  
АНТИГИПОКСИК ФАОЛЛИГИ**

**03.00.02 – Биофизика ва радиобиология  
03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/B93 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz) va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Асраров Музаффар Исламович</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Курбанназарова Раънохон Шараповна</b> биология фанлари доктори <b>Зайнобиддинов Анвар Эркинжонович</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Ахмеров Рашид Насипович</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Қарши давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «28» июль соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96).

Диссертация билан Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 28 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» июль кuni тарқатилди.  
(2021 йил «13» июль даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



**Сабиров Равшан Заирович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**Позиллов Маъмуржон Комилжонович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д.

**Ахмеджанов Искандар Гулямович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёдаги замонавий тиббий - биологик тадқиқотлар, турли касалликлар патогенези ривожланишида, уларнинг келиб чиқиш этиологиясидан қатъий назар, гипоксия асосий омил эканлигини кўрсатди. Гипоксия таъсири юрак ишемик касалликлари, қон айланиш ва нафас тизимидаги бузилишлар, иммун тизим, нейродегенератив ва бошқа касалликлар ривожланиш патогенезида кузатилади. Гипоксия шароитида тўқима ва ҳужайраларда молекуляр  $O_2$  миқдорининг мутлоқ ёки нисбий танқислиги туфайли юзага келадиган митохондрия дисфункцияси қайд этилган, нафас занжирида кислород фаол шаклининг (ROS) генерацияси ҳамда эркин радикалли жараёнларни фаоллашуви кузатилган. Гипоксиядаги физиологик, мембранавий ва метаболик бузилишларни антигипоксонт препаратлар билан фармакологик коррекция қилиш соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва замонавий биологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида ўсимлик полифенолларининг одам ва ҳайвонлар организмга таъсир механизмлари бўйича жадал илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотлар натижасида полифенолларнинг организмга турли патологияларда терапевтик таъсир этиши ва уларнинг антиоксидантлик, мембранафаоллик ҳамда антигипоксонтлик хоссалари аниқланган. Янги антигипоксонт доривор воситаларни идентификациялаш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар, полифенол бирикмаларнинг гипоксия шароитида организмга молекуляр, митохондриял ва ҳужайра даражаларида таъсир механизмларини аниқлашни тақозо этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида антигипоксонт препаратлар яратиш ва уларнинг организмга таъсирини аниқлаш мақсадида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси 4-йўналишида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш ....» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, маҳаллий ўсимликлардан ажратилган полифенол бирикмаларнинг мембранавий, метаболик ва митохондриял жараёнларга таъсирини аниқлаш ҳамда улар асосида антигипоксонт ва антиоксидант фаолликга эга фармакологик воситаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ва 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Гипоксия шароитидаги физиологик ва мембранавий ўзгаришларни коррекциялаш асосида антигипоксанти таъсирга эга доривор воситаларни аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute of Molecular Cardiobiology (USA), Institute of Cardiovascular Physiology (Germany), Georg August University Göttingen (Germany) олиб борилмоқда.

Ўсимлик полифенолларининг митохондрия функциясига таъсири ва янги самарали антигипоксантилар ҳамда антиоксидантларни аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўсимлик полифенолларининг антигипоксик самарадорликка эгаллиги аниқланган (Institute of Cardiovascular Physiology, Germany); гипоксия шароитида митохондрия функционал параметрларидаги бузилишлар аниқланган (University Göttingen, Germany); гипоксия шароитида митохондрия ион каналларидаги функционал бузилишлари тадқиқ қилинган (Institute of Molecular Cardiobiology, USA).

Дунёда организмнинг ҳужайра ва тўқималарида гипоксияни келиб чиқиши ва унинг ривожланиш босқичларини аниқлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: гипоксия ривожланишининг молекуляр ва мембранавий механизмларини аниқлаш; гипоксияни олдини олувчи антигипоксанти таъсирга эга табиий ўсимлик моддаларини аниқлаш; янги самарали антигипоксанти таъсирга эга доривор воситалар яратиш ва ишлаб чиқиш; гипоксияга организмнинг адаптация механизмларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда дунёнинг етакчи илмий марказларида гипоксия ва унинг патогенези, этиологияси ва механизмларини аниқлаш борасида (Abdollahi et al., 2011; Corral et al., 2014), Schiffer et al., 2014), гипоксия шароитида организмдаги адаптация

---

<sup>1</sup> <https://www.researchgate.net/publication/288699733>; <https://journals.ecovector.com/RCF/article/view/21208>; <https://link.springer.com/article/10.1007/s00018-019-03039-y>; <https://www.frontiersin.org/articles/10.3389/fonc.2020.00770/full>; <https://www.mdpi.com/2076-3921/10/3/405>; <https://www.dovepress.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

механизмларини шаклланиши ҳамда организмнинг гипоксия таъсирига жавоб реакциялари (Ratan et al., 2007; Di Stasi et al., 2014), антигипоксик препаратлар билан гипоксия асоратларини фармакологик коррекциялаш (Sabbah et al., 2002; Li et al., 2005; Young et al., 2007) борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

МДХ мамлакатлари илмий марказларида гипоксия шароитида митохондрия энергия ишлаб чиқариш функциясини нормаллаштириш механизмларини аниқлаган (Андириянова ва бошқ., 2011), хужайра ички оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида молекуляр  $O_2$  етказиб бериш даражасининг пасайиши натижасида юзага келаётган муаммолар тадқиқ қилинган (Литвицкий, 2010; Лукьянова, 2019), юрак ва нафас олиш тизими органлари тўқималарида қон айланиш жараёнидаги бузилишларни олдини олишда антигипоксик препаратларнинг роли аниқланган (Никонов ва бошқ., 2009; Воронина ва бошқ., 2010).

Республикада полифеноллар кимёси ва фармакологияси соҳаларида тадқиқотларнинг ривожланиши иккита таниқли олимлар - профессор Д.Н.Далимов ҳамда профессор Д.Н.Мавлянов номлари билан боғлиқ, улар кўплаб ўсимлик полифенолларини ажратиш олишган, тозашган ва тавсифлашган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори С.Н.Далимова илк бор сурункали гепатит шароитида баъзи полифенолларнинг турли даражада антиоксидант ва антипролифератив хоссаларга эгаллигини аниқлаган. Академик Р.З.Сабилов илмий мактабида флавоноидлар ва бошқа БФМ ларнинг хужайра ҳажм бошқарилишига ва қа хужайравий жараёнларга таъсир механизмлари тадқиқ қилинган. Профессор П.Б.Усманов раҳбарлигида полифенол бирикмаларнинг ишемия, гипоксия ва бошқа патологик шароитларда миокард ва силлиқ мускуллар ион-транспорт тизимларига таъсири тадқиқ қилинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-Т145 «Атроф-муҳит экстремал шароитларида организм тизимларининг структура ва функциясини шаклланиши» (2007-2011), ФА-ФЗ-Т084 «Митохондрияларда ион транспорти ва метаболик жараёнлар биорегуляторларининг меъёр ва патологиядаги таъсирини тавсифлаш» (2012-2016) ҳамда ФА-ФЗ-004 «Юрак-қон томир касалликларини даволашни адекват йўллари ишлаб чиқиш учун юрак ва силлиқ мушак хужайралари истиқболли нишонларини модуляция механизмларининг комплекс тавсифи» (2017-2020) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсимлик полифенол бирикмаларининг каламуш жигари митохондрияси функционал параметрларига таъсир механизмларини тадқиқ қилиш ҳамда улар асосида янги антигипоксик воситаларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли синфга мансуб ўсимлик моддалари биологик фаоллигини аниқлаш бўйича скрининг ўтказиш;

*Capsicum Annuum L.* қизил қалампир ўсимлигидан ажратилган моддаларнинг мембрана фаоллигини митохондрия моделида аниқлаш;

мегосин полифеноли ва унинг  $\gamma$ - циклодекстрин билан комплексини биофаоллигини қиёсий баҳолаш;

рутан, эуфорбин ва гетасан полифенолларининг антиоксидантлик ва антирадикаллик хоссаларини аниқлаш;

*in vitro* тажрибаларда рутан, гетасан ва эуфорбиннинг каламуш жигари ва юраги *mPTP* холатига ҳамда митоK<sub>ATФ</sub>-каналига таъсирини аниқлаш;

нормобарик ва гемик гипоксия моделларида рутан, гетасан, эуфорбин полифенолларининг антигипоксик фаолликларини тадқиқ қилиш;

гипоксия моделларида полифенол бирикмаларининг антигипоксик хоссаларини кверцетин ҳамда «Мексидол» га нисбатан баҳолаш;

тадқиқот моддаларининг митохондрияларга таъсирини уларнинг кимёвий тузилишига мувофиқ таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида етук лаборатория каламушлари ҳамда оқ сичқонлари, каламуш жигар ва юрак митохондриялари, митоK<sub>ATФ</sub>-каналли, митохондрия мегапораси - *mPTP*, митохондриялардаги ЛПО жараёни, нормобарик ва гемик гипоксия моделлари, *Rhus coriaria*, *Euphorbia ferganensis B.Fedtsch*, *Geranium sanguineum* ўсимликларининг полифенол бирикмалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** каламуш жигари митохондриялари функционал параметрлари, рутан, гетасан ва эуфорбин полифенолларининг мембранафаол хоссалари, полифенол бирикмаларнинг кимёвий структурасига мувофиқ биологик хоссалари, антигипоксик фаоллигини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар бажарилишида замонавий биокимё, биофизика ва физиологияда кенг қўлланиладиган дифференциал центрифугалаш, фотометрия, спектрофотометрия, полярография усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

митохондрия моделида махаллий ўсимликлар тотим (*Rhus coriaria*), шотаран (*Euphorbia ferganensis B.Fedtsch*), геран (*Geranium sanguineum*)дан ажратиб олинган полифенол бирикмаларнинг мембранафаол хоссалари аниқланган;

полифенол бирикмалар қуйи концентрацияларда *mPTP* очилишини самарали ингибирлаши ва митоK<sub>ATФ</sub>-каналли фаоллигини ошириши аниқланган;

рутан, гетасан ва эуфорбин полифенолларининг антиоксидантлик ва антирадикаллик фаолликларини аниқланган ва улар орасида корреляцион боғлиқлиги исботланган;

гипоксиянинг турли моделларида рутан, гетасан ва эуфорбин полифенолларининг гипоксияга қарши хусусиятлари аниқланган;

рутан, гетасан ҳамда эуфорбин бирикмаларининг гипоксияга қарши фаоллиги, кверцетин ҳамда «Мексидол»га нисбатан самарали эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фармакологияда қўллаш учун гипоксияга қарши янги полифенол антигипоксик воситалар аниқланган;

рутан, гетасан, эуфорбин ҳамда мегосин полифеноллари кенг спектрга эга доривор воситалар сифатида қўлланилган;

плантагиннинг антиоксидантлик хоссалари гипогликемик доривор восита яратиш имконини берган;

полифенолларнинг митохондрия функцияларига таъсири цитопротектор воситалар яратишга амалий асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда замонавий биофизик, физиологик ва биокимёвий усуллари қўллаш орқали олинганлиги, тадқиқот натижаларини назарий маълумотларга мос келиши билан тасдиқланади. Назорат ва тажрибада олинган ўртача қийматлар орасидаги фарқ Стьюдент t-тести бўйича ҳисобланган ва қийматлар фарқининг статистик ишончлилиги  $P < 0,05$  даражасида ифодаланган. Илмий натижалар таҳлили ва графикларни чизиш OriginPro 7.5, (OriginLab Pro, АҚШ) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилган. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, гипоксия шароитида организмда юзага келадиган физиологик ўзгаришлар ҳамда митохондрия функционал параметрларини биофаол моддалар билан бошқариш механизмларига ойдинлик киритиш билан изоҳланади. Шунингдек, аниқланган механизмлар гипоксияда молекуляр ва мембрана даражасидаги бузилишларни биофаол моддалар таъсирида коррекциялаш тўғрисидаги илмий тасаввурларни бойитади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ўрганилган полифенол бирикмалар асосида организмни гипоксияга чидамлилигини оширувчи ҳамда баъзи патологияларни даволашда қўлланиладиган самарали дори воситалар яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Полифенол бирикмаларнинг митохондрия функцияларига таъсири ҳамда уларни антигипоксик фаоллигини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

ўсимлик полифенол моддалари композицияси асосида диабетга қарши дори воситаси учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 06027. 2019 й.). Натижада плантагиннинг антиоксидантлик хоссалари самарали гипогликемик доривор восита яратиш имконини берган;

полифенол бирикмаларнинг митохондрия функционал структураларига таъсирига оид тадқиқотлар натижалари импакт фактори юқори хорижий журналларда полифенолларнинг биологик фаолликларини аниқлашда ва уларнинг фармакологик таъсирини таҳлил қилишда фойдаланилган (*Nova Biotechnologica et Chimica*, 2018, V.17 (1), Scopus CiteScore - 1.1; *Journal of Microbiology, Biotechnology and Food Sciences*, 2019, V.8, Scopus CiteScore - 0.5; *Chinese Journal of Applied Ecology*, 2018, V.29 (1), Scopus CiteScore - 1.3. Натижада тадқиқ этилган полифеноллар юқори мембранафаолликка эгаллигини ва уларнинг фармакологик хоссаларини аниқлаш имконини берган;

руганнинг антигипоксик ва антиоксидантлик фаолликларидан ФА-А11-Т-061 рақамли «Махаллий ўсимлик хом-ашёси полифеноллари асосида вирусларга қарши доривор восита яратиш» амалий лойиҳасида янги турдаги моддаларни дориворлик хоссаларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 12 декабрдаги 4/1255-3244-сон маълумотномаси). Натижада вирусларга қарши янги турдаги самарали доривор восита яратиш имконини берган;

гетасаннинг аниқланган мембранафаоллик хоссаларидан ФА-А11-Т-061 рақамли «Махаллий ўсимлик хом-ашёси полифеноллари асосида вирусларга қарши доривор восита яратиш» амалий лойиҳасида ОИВга (одамнинг иммунитет танқислиги вируси) қарши фаолликка эга дори воситаларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 12 декабрдаги 4/1255-3244-сон маълумотномаси). Натижада вирусларга қарши «Пунитан» янги доривор восита яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 1 та ихтиро патенти олинган ва жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 174 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги мувофиқлиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Митохондрия структураси ва функцияси. Гипоксия ривожланишида митохондрия патофизиологияси ва фармакологияси»** деб номланган биринчи бобида митохондрия структурасининг функционал хусусиятлари, митохондриал касалликлар ва уларнинг этиологияси, фармакологияси бўйича замонавий билимлар таҳлил қилинган. Шунингдек, гипоксия, гипоксияни ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар, гипоксия шароитида митохондрия дисфункцияси ва коррекцияси, ўсимлик биофаол моддалари, антигипоксантик доривор воситаларнинг организмга таъсир механизмларига оид энг сўнгги адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Полифенол бирикмаларнинг мембранафаол ва антигипоксик таъсирини аниқлаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишининг олиб борилиш тартиби ва қўлланилган материаллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Оқ эркак лаборатория каламушлари (180-220 г) жигар ва юрак тўқималаридан митохондриялар дифференциал центрифугалаш усулида ажратиб олинган. Фотометрия усуллари ёрдамида *mPTP* ўтказувчанлиги ҳамда митоK<sub>ATP</sub>-каналлиги фаоллиги, митохондрия мембраналарида ЛПО маҳсулотларини аниқланган. Шунингдек, ўсимлик биофаол моддаларининг антирадикалик, антиоксидантлик ва мембранафаоллик хоссалари замонавий биофизик ва физиологик усуллар билан аниқланган. Митохондриялардаги оксил миқдорини аниқлаш усули келтирилган.

*In vivo* тажрибаларида экспериментал гипоксия моделларини шакллантириш ва янги антигипоксантик воситаларни аниқлаш усуллари келтирилган. Бунда, лаборатория оқ сичқонларида нормобарик ва гемик гипоксия моделларини шакллантиришда тажриба ҳайвонлари тўрт гуруҳга ажратилди: I - гуруҳ назорат (гипоксия+физиологик эритма), II - гуруҳ тажриба (гипоксия+«Мексидол»), III - гуруҳ тажриба (гипоксия+кверцетин), IV - гуруҳ тажриба тадқиқот гуруҳи (гипоксия+полифенол). Ҳар бир гуруҳдаги ҳайвонлар сони 5 тани ташкил қилди. Тажрибалар ҳажми 200 см<sup>3</sup> бўлган герметик зичланган камераларда олиб борилди. Лаборатория сичқонларида гемик гипоксияни шакллантиришда NaNO<sub>2</sub> дан фойдаланилади. Гемик гипоксия тажрибалари NaNO<sub>2</sub> нинг икки хил дозаси, ўлим дозаси - 150 мг/кг тана массасига ва абсолют ўлим дозаси - 200 мг/кг тана массасига қўлланилди. Тадқиқотларда янги антигипоксантик воситаларни аниқлашда назорат ва тажриба гуруҳи ҳайвонларининг физиологик критерийлари, яъни, яшаш даври ва унинг давомийлиги кўрсаткичлари инобатга олинди. Рутан, гетасан ва эуфорбин полифеноллари кам захарли моддаларнинг V синфига мансуб, уларнинг токсиклик даражаси LD<sub>50</sub> 4800 мг/кг тана массасига тенг.


Диссертациянинг **«Митохондрия функционал параметрларига ўсимлик биофаол моддаларининг таъсири»** деб номланган учинчи бобида ўсимликлардан ажратиб олинган турли синф вакиллари - флавоноидлар,

алкалоидлар, полифеноллар ҳамда комплекс бирикмаларни митохондрия функционал параметрларига таъсири бўйича скрининг тажрибалари олиб борилди.

*Ўсимлик биофаол моддаларининг митохондрия функционал параметрларига таъсири скринингги таҳлили.* Дастлабки тажрибаларда флавоноидлар, алкалоидлар, полифеноллар ҳамда комплекс бирикмаларнинг митохондрия *mPTP* ўтказувчанлигига, митоK<sub>ATФ</sub>-каналли фаоллигига ҳамда мембраналарда ЛПО жараёнига таъсири бўйича скрининг ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра алкалоидлар, флавоноидлар, полифеноллар, комплекс моддалар, каламуш жигари *mPTP* си ўтказувчанлигини ва Fe<sup>2+</sup>/аскорбат тизими индуцирлаган ЛПО жараёни турли даражада ингибирлади. Ушбу БФМ ларнинг митоK<sub>ATФ</sub>-каналли фаоллигига таъсири, ўсимлик моддалари вакиллари мувофиқ юқоридаги эффектларига мос равишда турлича бўлди. Ушбу скрининг тадқиқотларида олинган натижалар турли синф ўсимлик БФМ лари орасида энг юқори биологик фаоллик полифеноллар қаторига (рутан, гетасан, эуфорбин, мегосин) тўғри келишини кўрсатди. Капсаиноидлар суммаси ҳам полифеноллар сингари митохондрия жараёнларга фаол таъсир қилди.

*Capsicum Annuum L. қизил қалампир капсаиноид фракцияларининг антиоксидант хоссалари.* Тадқиқотларда қизил қалампир *Capsicum Annuum L.* ўсимлигидан ажратиб олинган қалампир меваси оксиллар фракцияси, уруғ оксиллари фракцияси ва капсаиноидлар суммасининг мембранафаоллик хоссалари ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, қизил қалампир меваси ва уруғи оксиллари каламуш жигари *mPTP* ҳолатига сезиларли таъсир қилмади. Қизил қалампир меваси ва уруғи оксил фракциялари ҳам митохондрия мембраналарида Fe<sup>2+</sup>/аскорбат индуцирлаган ЛПО жараёнига таъсир қилмади. Қизил қалампир мевасидан ажратилган капсаиноидлар суммаси эса 1 мкг/мл дан 6 мкг/мл гача концентрацияларда Fe<sup>2+</sup>/аскорбат индуцирлаган митохондрияни бўқишини ишончли ингибирлади (1-расм, А). Бунда капсаиноидларнинг мембраналардаги ЛПО жараёни ярим ингибирлаш кўрсаткичи IC<sub>50</sub>=2,0 мкг/мл тенг бўлди.

Кейинги тажрибаларда капсаиноидлар фракциясининг митохондрия мембраналарида Fe<sup>2+</sup>/аскорбат индуцирлаган ЛПО жараёни ингибирлашини, бевосита МДА миқдорини биокимёвий усул билан ўлчаш билан аниқладик (1-расм, Б). Тажрибалар натижаларига кўра, капсаиноидлар кичик концентрацияларда митохондрия мембраналарида МДА тўпланишини олдини олди. Шундай қилиб, олинган натижаларга кўра капсаиноидлар юқори антиоксидант хоссага эгаллиги аниқланди.




**1-расм.** Капсаициноидларнинг митохондриялардаги ЛПО жараёнини ингибирлаши (А) ва уларнинг мембраналарда МДА тўпланишига таъсири (Б). Изох: ордината ўқида- ЛПО жараёни % да, МДА миқдори нмоль мг/оксилда ифодаланган, абсцисса ўқида капсаициноид концентрациялари келтирилган. \*P<0.05; \*\*P<0.01; \*\*\*P<0.001; n = 5.

*Госсипол хосилаларини мембранафаол хоссалари таҳлили.* Кейинги босқич тажрибаларда *Gossypium L.* ўза ўсимлигидан ажратиб олинган госсиполнинг хосиласи мегосин ва унинг  $\gamma$ -циклодекстрин билан комплексини митохондрия фукционал параметрларига таъсири ўрганилди. Инкубация муҳитига мегосиннинг 0,05 мкМ, 0,1 мкМ, 0,2 мкМ ва 0,6 мкМ концентрацияларини қўшиш митохондриялардаги ЛПО жараёнини мос ҳолда 26±2,4%, 49±2,8% , 81,6±1,6%, 97±2,4% ва 98±2,4% га ингибирлади. Мегосинни IC<sub>50</sub>=1,0 мкМ ни ташкил қилди. Бу шароитда  $\gamma$ -циклодекстрин 3 мкМ дан 100 мкМ гача бўлган концентрацияларда митохондриялардаги ЛПО жараёнига сезиларли таъсир қилмади (16,0±1,1% гача).

Комплекс (мегосин+  $\gamma$ -циклодекстрин) нинг 0,05 мкМ, 0,1 мкМ, 0,2 мкМ, 0,3 мкМ и 0,4 мкМ концентрациялари ЛПО жараёнини назоратга нисбатан 55±2,6%, 62±2,2%, 81,0±1,5%, 87,0±1,8% ва 99,1±2,6% гача ингибирлади. Комплексининг IC<sub>50</sub>=0,07 мкМ ни ташкил қилди. Олинган натижалар, тадқиқот моддаларининг ўрганилган коцентрациялари ва комплекснинг антиоксидант фаоллиги (IC<sub>50</sub>=0,07 мкМ) , мегосиннинг антиоксидантлик фаоллигидан анча юқори (IC<sub>50</sub>=0,1 мкМ) эканлигини билдиради. Таъкидлаш керакки,  $\gamma$  –циклодекстрин юқори келтирилган шароитда антиоксидант фаолликга эга эмас.

Шунингдек, мегосин,  $\gamma$ -циклодекстрин ва комплекс моддаларнинг мембранафаол хоссаларини тўлиқроқ очиш мақсадида уларнинг *mPTP* ва митоK<sub>ATФ</sub>-каналига таъсири ўрганилди (2-расм). Тадқиқотларда, мегосин 50 мкМ концентрацияси *mPTP* ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан 64±2,2% га камайтирди, 80 мкМ ҳамда 100 мкМ концентрациялари эса, мос равишда 90%-100% га ингибирлади.  $\gamma$ -циклодекстрин уўрганилган концентрацияларда *mPTP* функциясига сезиларли таъсир кўрсатмади.

Таққослаш тажрибаларида комплекс модда мегосин каби *mPTP* ҳолатига нисбатан ингибирловчи хоссаси фаол эканлиги кузатилди. Комплекс модданинг 25 мкМ таъсири, мегосинга нисбатан фаол кузатилиб, унинг ингибирловчи коэффициенти 96%-99% ни ташкил қилди. Шундай қилиб, мегосинни  $\gamma$ -циклодекстрин билан бирикиши комплекси *mPTP* функционал бузилишларини нормаллаштиришда мегосиндан 4 баробар самарадор. Бу шароитдаги тажрибаларда ҳам  $\gamma$ -циклодекстрин препарати қуйи ва юқори концентрацияларда ҳам *mPTP* конформациясига сезиларли таъсир қилмади (2-расм).



2-расм. Мегосин,  $\gamma$ -циклодекстрин ва унинг комплексининг *mPTP* ва митоК<sub>АТФ</sub>-каналига таъсири. \*\*P<0.01; \*\*\*P<0.001.

Шунингдек, мегосин,  $\gamma$ -циклодекстрин ва комплекс моддалари митоК<sub>АТФ</sub>-каналига таъсири ўрганилди (2-расм). Мегосин 10, 20 ҳамда 50 мкМ концентрацияларда митоК<sub>АТФ</sub>-канални фаоллигини ошириб, АТФ нинг каналга ингибирлови таъсирини сусайтирди. Комплексининг (мегосин+  $\gamma$ -циклодекстрин) митоК<sub>АТФ</sub>-канални фаоллигига таъсири ўрганилганда, 10 мкМ концентрацияда канал ўтказувчанлиги, назоратга нисбатан  $1,0 \pm 0,3$  баробарга ошиши, 20 ва 30 мкМ концентрацияларда эса, мос равишда  $3,2 \pm 0,2$  ҳамда  $3,65 \pm 0,2$  баробарга, 50 мкМ концентрацияда  $5,4 \pm 0,5$  баробарга ошиши аниқланди. Инкубация муҳитида комплекс концентрациясини янада ошириб бориш, митоК<sub>АТФ</sub>-канални фаоллигини ўша даражада сақлаб қолди.  $\gamma$ -циклодекстрин юқорида олиб борилган тажриба натижаларига мос равишда юқори ва қуйи концентрацияларда ҳам (митоК<sub>АТФ</sub>-канални) фаоллигига сезиларли таъсир қилмади (2-расм). Олинган натижалардан мегосин ва комплекс моддалари асосида, хужайра патофизиологиясини қайта тиклашга йўналтирилган, антиоксидант, мембранафаол ва кордиопротекторлик таъсирларига эга бўлган доривор препаратлар яратишда фойдаланиш мумкин. Мегосиннинг  $\gamma$ -циклодекстрин билан бирикиши асосида яратилган,

сувда эрувчан хоссага эга бўлган комплекс, мегосиннинг фаоллигини сақлаш билан бир қаторда унинг биофаоллик хусусиятини оширди.

*Каламуш жигари митохондрияларидаги липопероксидация жараёнига баъзи фенол табиатли моддаларнинг таъсири.* Тадқиқотларда гидрохинон, флороглюцин, (+)катехин, галл кислотаси, пирогаллол, кверцетин, ороксиллин А фенол бирикмаларининг каламуш жигари митохондрияларида  $Fe^{2+}$ /аскорбат индуцирлаган ЛПО жараёнига таъсирини ўрганиш орқали антиоксидантлик хоссалари баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал

**Фенол бирикмаларни  $Fe^{2+}$ /аскорбат индуцирлаган ЛПО га таъсири**

Фенол моддалар	Халқадаги ОН - гуруҳлар сони	IC <sub>50</sub> , мкМ	Максимал ингибирловчи концентрация, мкМ
Гидрохинон	2	-	-
Флороглюцин	3	-	-
Пирогаллол	3	5,0±2,6	8,0±3,2
Галл кислотаси	3	2,6±4,3	6,0±1,5
Ороксиллин А	2	5,25±2,6	6,0±3,7
(+)катехин	5	1,0±8,0	3,0±2,7
Кверцетин	5	3,0±4,2	5,0±3,2
<b>Фаоллик қатори: (+)катехин &gt; галл кислотаси &gt; кверцетин &gt; пирогаллол &gt; ороксиллин А &gt; флороглюцин &gt; гидрохинон</b>			


Тажрибалар натижаларига кўра, фенол бирикмалари гидрохинон, ороксиллин А, флороглюцин, галл кислотаси, пирогаллол, (+)катехин ва кверцетин  $Fe^{2+}$ /аскорбат индуцирлаган митохондрия мембраналардаги ЛПО жараёнини ишончли даражада олдини олиб, антиоксидантлик хоссаларини намоён қилди. Фенол бирикмаларининг яриммаксимал ингибиторлик концентрациялари асосида уларнинг антиоксидантлик фаоллиги қатори аниқланди: (+)катехин>галл кислотаси>кверцетин>пирогаллол>ороксиллин А >флороглюцин>гидрохинон. Тадқиқ қилинган фенол бирикмалар орасида (+)катехин энг юқори, гидрохинон эса энг қуйи антиоксидантлик хоссаларига эга бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили фенол бирикмаларининг кимёвий структуралари ва антиоксидантлик хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқлик борлигини кўрсатди. Масалан, агар пирогаллол ва гидрохинон молекулаларини таъсирини таққосласак, пирогаллол молекуласи ароматик ҳалқасида битта ОН-гуруҳи сони ҳамда жойлашиши билан фарқ қилиши, унинг антиоксидантлик фаоллиги ошганлиги кўринади. Ушбу натижалар, молекуланинг антиоксидант хоссаларини кучлироқ бўлиши, халқадаги ОН-гуруҳлар сонининг ортиб бориши билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фаразни исботлайди. Шунингдек, пирогаллол структурасида ОН-гуруҳлар ароматик ҳалқанинг 1,2,3 ҳолатларида носимметрик шаклда жойлашган, бу ОН-гуруҳлар ҳалқанинг 1,3,5 ҳолатида симметрик жойлашган флороглюцин

тузилишидан фарқ қилади. Ҳалқада ОН<sup>-</sup>-гуруҳларни носимметрик жойланиши, пирогаллолга, флороглюцинга нисбатан, янада кучли антиоксидантлик хоссаларини беради. Бундан ташқари, фенол бирикмаларнинг бензол халқадаги ОН<sup>-</sup>-гуруҳларнинг бошқа функционал гуруҳлар (масалан, метил-, этил-, карбоксил-) билан алмашинуви ҳам “структура – хосса” ўзаро боғлиқликка таъсир этиши мумкин.

Диссертациянинг «Полифенол бирикмаларнинг митохондрия мембранавий жараёнларига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида рутан, гетасан ва эуфорбиннинг антиоксидант ва антирадикаллик хоссалари ҳамда *in vitro* шароитида уларнинг каламуш жигар ва юрак митохондриялари *mPTP* ҳолатига ва митоK<sub>АТФ</sub>-каналига таъсири ўрганилди.

Каламуш жигари митохондрияларидаги ЛПО жараёнига рутан, эуфорбин ва гетасаннинг таъсири. *In vitro* тажрибаларида рутан, гетасан ва эуфорбиннинг антиоксидант хоссалари, жигар митохондриялари мембраналарида Fe<sup>2+</sup>/аскорбат индуцирлаган ЛПО жараёнига уларнинг таъсири билан баҳоланди (3-расм).





**3-расм. Рутаннинг митохондриялардаги ЛПО жараёнига ингибирловчи таъсири.** Изох: ордината ўқида ЛПО жараёни ингибирланиши абсцисса ўқида рутан концентрациялари келтирилган. \*P<0.05; \*\*P<0.01; \*\*\*P<0.001.

Рутаннинг 0,1 мкМ концентрацияси, Fe<sup>2+</sup>/аскорбат таъсирида индуцирланган митохондриялар бўқишини, яъни ЛПО интенсификациясини, назоратга нисбатан 14,1±0,5% га, 0,5 мкМ концентрацияси 22,3±1,1% га, 1 мкМ концентрацияси 67,1±2,8% ҳамда 1,5 мкМ концентрацияси 89,0±4,2% га ингибирлади. Бунда рутаннинг яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси 0,8 мкМ ни ташкил қилди (3-расм).

Fe<sup>2+</sup>/аскорбат индуцирлаган ЛПО шароитида, гетасан 5 мкМ дан 20 мкМ концентрациялар диапазонида митохондрия бўқишини олдини олди ва унинг IC<sub>50</sub> кўрсаткичи 14,8 мкМ ни ташкил қилди. Шунингдек, эуфорбин 3 мкМ дан 10,0 мкМ гача концентрациялар диапазонида митохондриялардаги ЛПО жараёнини 20,6% дан 92,3% гача ингибирлаб, юқори антиоксидантлик хоссасини намоён қилди. Эуфорбиннинг яриммаксимал ингибиторлик концентрацияси 3,72 мкМ ни ташкил қилди (4-расм).

Шундай қилиб, ўрганилаётган полифенол бирикмаларнинг антиоксидант хоссалари, митохондрияни бўқиши моделида аниқланди ва фаоллиги бўйича рутан>эуфорбин>гетасан қатори аниқланди.



**4-расм. Гетасан ва эуфорбиннинг митохондриялардаги ЛПО жараёнига ингибирловчи таъсири.** Изох: ордината ўқида ЛПО жараёни ингибирланиши, абсцисса ўқида гетасан ва эуфорбин концентрациялари келтирилган. \*P<0.05; \*\*P<0.01; \*\*\*P<0.001; n = 6.

Шунингдек, экспериментал диабет моделида рутан хосилаларининг антиоксидантлик фаоллиги аниқланди ва унинг асосида ЎЗР ФА Биоорганик кимё институтида диабетга қарши Пантагин дори воситаси яратилди.

Ўтказилган кейинги биокимёвий тажрибаларда Fe<sup>2+</sup>/аскорбат индуцирлаган ЛПО натижасида ҳосил бўлган митохондриялардаги МДА миқдори бевосита аниқланди. Fe<sup>2+</sup>/аскорбат таъсирида МДА миқдори 3,30±0,14 нмоль мг/оқсилга ошди ва ушбу кўрсаткич назорат деб белгиланди. Бу шароитда, рутаннинг 1 мкМ концентрацияси МДА миқдорини 1,54±0,05 нмоль мг/оқсилга пасайтирди. Рутан 5 мкМ ва 20 мкМ концентрацияларда митохондрия мембраналаридаги МДА тўпланишини, мос равишда 1,24±0,03 ва 0,10±0,003 нмоль/мг оқсилга пасайтирди. Рутаннинг тажрибалардаги IC<sub>50</sub> кўрсаткичи 11,8±0,4 мкМ ни ташкил қилди. Митохондриялардаги МДА миқдори гетасан 5 мкМ таъсирида 3,09 нмоль мг/оқсилни, 10 мкМ таъсирида 2,39 нмоль мг/оқсилни, 15 мкМ таъсирида 0,64 нмоль мг/оқсилни, 20 мкМ таъсирида 0,07 нмоль мг/оқсилни ташкил қилди. Ушбу тажрибада гетасаннинг IC<sub>50</sub> кўрсаткичи 12,5 мкМ га тенг бўлди. Шунингдек, эуфорбин 5 мкМ концентрацияда мембраналарда МДА миқдорини 2,98 нмоль/мг оқсилга, 20 мкМ концентрацияда 0,7 нмоль/мг оқсилга ишончли равишда камайтирди. Олинган натижаларга кўра эуфорбиннинг IC<sub>50</sub> кўрсаткичи 15,1 мкМ га тўғри келди. Шундай қилиб, рутан, гетасан ва эуфорбин полифеноллари митохондрия мембраналарида Fe<sup>2+</sup>/аскорбат индуцирлаган




ЛПО жараёнига ингибирловчи таъсир кўрсатди ҳамда юқори антиоксидантлик фаолликни намоён қилди.

*Рутан, эуфорбин ва гетасан полифенолларининг антирадикаллик хоссалари.* Полифенолларнинг биомембраналарга таъсири ҳамда янги антигипоксанти моддаларни излаб топишда уларнинг антиоксидантлик ва антирадикаллик хоссаларининг ўзаро мувофиқ келиши катта аҳамиятга эга. Кейинги тажрибаларда эуфорбин, гетасан ва рутаннинг антирадикаллик фаоллигини ўрганилди. Бунинг учун, антиоксидантларнинг 2,2-дифенил-1-пикрилгидразил (ДФПГ) молекуласини қайтарилиш хоссасига эгаллигига асосланган усулдан фойдаланилди. Биз полифенолларнинг стабил радикали бўлган ДФПГ билан рекомбинацияси кинетикасини ўргандик. ДФПГ спиртли эритмасига полифенолларни қўшиш, эритмани ранги ўзгаришига олиб келади, бу жараён эса ДФПГ нинг радикал бўлмаган шаклга ўтганлигидан далолат беради. Бунда эркин радикалларни миқдорини камайиши, полифенолнинг антирадикал фаоллиги юқори эканлигидан далолат беради. Полифенолларнинг антирадикал фаолликларини миқдорий баҳолаш учун,  $t_{50}$  параметрини, яъни полифеноллар билан реакцияда стабил радикалларнинг бошланғич концентрациясини 50% га пасайтириши учун зарур вақтни ўлчадик. Тадқиқотлар эуфорбин полифенолининг ДФПГ иштирокидаги реакция тезлиги 20 С° да  $t_{50}$  90 секундни (ДФПГ нинг асосий моддага нисбати 1:1), гетасан таъсирида 180 секундни (нисбати 1:1), рутан таъсирида 45 секундни (нисбати 1:1) ташкил қилди. Аниқланишича рутан реакция киришиш қобиляти эуфорбинга нисбатан 2 марта, гетасанга нисбатан эса 4 марта юқори бўлди. Шундай қилиб, тажрибаларда ўрганилган полифенолларининг ДФПГ билан реакция кириш тезлиги турлича бўлди ва ўрганилган барча полифеноллар юқори антирадикаллик хоссасини намоён қилди.

Тадқиқот якунида полифенолларнинг антиоксидантлик ва антирадикаллик таъсир хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқлик борлиги фаол аниқланди. Уларнинг мос келиш корреляция коэффиценти рутан таъсирида  $r = 0,95$  ни, гетасан таъсирида  $r = 0,79$  ни, эуфорбин таъсирида эса  $r = 0,82$  ни ташкил қилди. Ушбу олинган натижалар рутан, гетасан ва эуфорбин антиоксидантлик ва антирадикаллик хоссаларининг мос келиши юқори эканлигини исботлайди ҳамда ушбу полифенолларнинг антигипоксантик таъсирини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

*Каламуш жигари mPTP ҳолатига рутан, гетасан ва эуфорбиннинг таъсири.* Хужайра метаболизмини, ион гомеостазини ва физиологиясини бошқаришда *mPTP* алоҳида роль ўйнайди. Шунингдек, сўнги вақтларда *mPTP* га патогенларга ва БФМ лар таъсири учун специфик “нишон” сифатида қаралмоқда. Шунга асосланиб, кейинги босқич *in vitro* тадқиқотларида *mPTP* га рутан, гетасан ва эуфорбин таъсирини ўрганилди (5-расм). Инкубация муҳитига  $Ca^{2+}$  ионларини 50 мкМ концентрацияда қўшиш митохондрия бўкишини, яъни бу шароитда *mPTP* очилишини чақирди, ушбу кўрсаткич эса 100% (назорат) деб белгиланди.

Рутан 1 мкМ концентрацияда *mPTP* очилишини, назоратга нисбатан  $14 \pm 3,2\%$  га, 5 мкМ концентрацияда  $36 \pm 4,5\%$  га, 10 мкМ концентрацияда  $84 \pm 0,5\%$  га, 20 мкМ концентрацияда  $90 \pm 3,2\%$  га 25 мкМ концентрацияда тўлиқ ингибирлади. Ушбу тажрибаларда рутаннинг  $IC_{50}$  кўрсаткичи 7,26 мкМ ни ташкил қилди (5-расм, А).






**5-расм. *mPTP* ҳолатига рутан (А), гетасан (Б) ва эуфорбиннинг (С) таъсири.** Изоҳ: ордината ўқида - митохондриялардаги  $Ca^{2+}$ -га боғлиқ *mPTP* ҳолати % ларда ифодаланган, абсцисса ўқида - тажриба вақти минутларда келтирилган. \* $P < 0.05$ ; \*\* $P < 0.01$ ; \*\*\* $P < 0.001$ ;  $n = 5$ .

Шунингдек, гетасан ва эуфорбин полифеноллари ҳам *mPTP* ўтказувчанлигига ингибирловчи таъсир қилди. Гетасан 1 мкМ концентрацияда *mPTP* очилишини, назоратга нисбатан  $15,0 \pm 3,2\%$  га, 5 мкМ да  $33,0 \pm 4,5\%$  га, 10 мкМ да  $62,0 \pm 0,5\%$  га, 15 мкМ да  $83,0 \pm 2,5\%$  га, 20 мкМ концентрацияси эса очилишни  $94,0 \pm 0,8\%$  га ингибирлади. Гетасаннинг *mPTP* ни яриммаксимал ингибиторлик концентрацияси 8,12 мкМ ни ташкил қилди. Гетасаннинг аниқланган мембранафаоллик хоссалари асосида, ЎзР ФА Биоорганик кимё институтида вирусларга қарши фаолликка эга «Пунитан» янги доривор воситаси яратилган. Шунингдек, эуфорбин кичик концентрацияларда *mPTP* ҳолатига таъсир қилмади, юқори 50 мкМ концентрацияда *mPTP* очилишини  $76,3 \pm 3,4\%$  га камайтирди ва ингибирторлик хоссасини намоён қилди. Эуфорбиннинг *mPTP* ҳолатига таъсири, рутан ва гетасаннинг ингибиторлик таъсирига нисбатан суст бўлди (5-расм).

*Каламуш жигари митоK<sub>ATФ</sub>-каналига рутан, гетасан ва эуфорбин полифеноллари таъсири.* Кейинги вақтда митоK<sub>ATФ</sub>-канални патогенлар

хамда БФМ лар учун потенциал “нишон” сифатида қаралмоқда. Турли патологиялардаги митоK<sub>АТФ</sub>-каналли функцияси бузилишларини фармакологик агентлар билан коррекциялаш мумкин. Кейинги тажрибаларда рутан, гетасан ва эуфорбиннинг каламуш жигари митоK<sub>АТФ</sub>-каналли фаоллигига таъсири ўрганилди (6-расм).

Инкубация муҳитига АТФ нинг 200 мкМ миқдорини қўшиш, митоK<sub>АТФ</sub>-каналли K<sup>+</sup> ионлари учун ўтказувчанлигини, назоратга нисбатан 83,0±1,0 % га ишончли ингибирлади. Бу шароитда рутан митоK<sub>АТФ</sub>-каналлига фаоллаштирувчи таъсир қилди, масалан, унинг 20 мкМ концентрацияси митоK<sub>АТФ</sub>-каналлини ўтказувчанлигини, АТФ ингибирлаган кўрсаткичга нисбатан, 96,3±0,7 % га оширди (6-расм). Тажрибаларда, гетасан, рутанга нисбатан юқори концентрацияларда митоK<sub>АТФ</sub>-каналлига фаоллаштирувчи таъсир қилиши аниқланди: 25 мкМ концентрацияда канал фаоллигини, АТФ-ингибирлаган ҳолатга нисбатан, 93,3%±0,8 га оширди. Бу шароитда, эуфорбин 30 мкМ концентрацияда митоK<sub>АТФ</sub>-каналли фаоллигини 90,3%±0,9 оширди.



**6-расм. МитоK<sub>АТФ</sub>-каналлига рутан, гетасан ва эуфорбиннинг таъсири.** Изох: ордината ўқида - митоK<sub>АТФ</sub>-каналли фаоллиги ифодаланган, абсцисса ўқида – рутан, гетасан ва эуфорбин концентрациялари келтирилган. \*P<0.05; \*\*P<0.01; \*\*\*P<0.001.




Олинган натижалар, рутан, гетасан ва эуфорбин мито $K_{AT\Phi}$ -каналини фаоллаштиради. Ўрганилган полифенол бирикмаларнинг аниқланган мембранафаол хоссалари асосида ЎзР ФА Биоорганик кимё институтида Рутан, Пунитан, Плантагин дори воситаларини яратишга асос бўлган. Истиқболда гипоксия шароитида мито $K_{AT\Phi}$ -канални функциоанл бузилишларини коррекция қилувчи полифеноллар асосида янги антигипоксанти воситалар ишлаб чиқилишига ишончимиз комил.

*Каламуш юраги мито $K_{AT\Phi}$ -канални ва  $mPTR$  га рутан, гетасан ва эуфорбиннинг таъсири.* Мито $K_{AT\Phi}$ -канал  $K^+$  ионларига селектив бўлиб, митохондрия ҳажмини бошқаришда, БФМ ларнинг организмга таъсир механизмларини молекуляр даражада ўрганишда, уларнинг антигипоксанти, кардиопротекторлик ва мембранафаоллик хоссаларини аниқлашда специфик “нишон” ҳисобланади. Мито $K_{AT\Phi}$ -канални  $AT\Phi$  га боғлиқ калий каналлар оиласига мансуб бўлиб, у  $AT\Phi$ , 5-гидроксидеконат ҳамда сульфонилмочевина препаратлари таъсирида ингибирланади. Ушбу канал активаторлари диазоксид, кромакалин, никорандил ва УДФ ҳисобланади, унинг фаоллиги бир қатор гормонлар таъсирида бошқарилади. Патологик жараёнларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида, ишемия ва гипоксия шароитларида миокард ҳимоя тизимида, организмнинг турли экстремал таъсирларга адаптация механизмларини шаклланишида мито $K_{AT\Phi}$ -каналнинг роли борлиги аниқланган. Кейинги тадқиқотларда каламуш юраги мито $K_{AT\Phi}$ -канални фаоллигига рутан, гетасан ва эуфорбин полифенолларининг таъсири ўрганилди (7-расм).

Рутаннинг 5 мкМ, 10 мкМ ва 20 мкМ концентрациялари юрак мито $K_{AT\Phi}$ -канални функционал фаоллигини,  $AT\Phi$  ингибирлаган ҳолатга нисбатан, мос равишда  $21,4 \pm 2,5\%$  га,  $47,6 \pm 1,8\%$  ва  $85,7 \pm 2,8\%$  га оширди (7-расм).

Гетасан мито $K_{AT\Phi}$ -канални  $K^+$  ўтказувчанлигини,  $AT\Phi$  ингибирлаган ҳолатга нисбатан, 10 мкМ концентрацияда  $38 \pm 1,3\%$  га, 20 мкМ да  $48 \pm 1,3\%$  га, 30 мкМ да  $68 \pm 1,3\%$  га ошириб, бу каналга полифенол бирикманинг активатор сифатида таъсир қилишидан далолат беради. Бу шароитларда эуфорбиннинг 5 мкМ концентрацияси юрак мито $K_{AT\Phi}$ -канални фаоллигини,  $AT\Phi$  ингибирлаган ҳолатга нисбатан,  $36,3 \pm 1,8\%$ , 10 мкМ концентрацияси  $62,1 \pm 2,4\%$  20 мкМ концентрацияси  $93,3 \pm 4,8\%$  ошириши кузатилди.

Шундай қилиб, рутан, гетасан ва эуфорбин каламуш юраги мито $K_{AT\Phi}$ -каналнига активатор сифатида таъсир этди. Ушбу полифеноллар антигипоксик фаолликка эга бўлгани учун, истиқболда гипоксияга қарши самарали доривор воситалар ишлаб чиқишга асос бўлишидан далолат беради. Рутан, гетасан ва эуфорбин полифеноллари юрак ишемик касалликлари чақирган юрак мито $K_{AT\Phi}$ -канални дисфункциясини коррекция қилиши асосида самарали кардиопротекторлар яратилиши мумкин.



**7-расм. Каламуш юрак митокАТФ-канални фаоллигига рутан, гетасан ва эуфорбиннинг таъсири.** Изоҳ: ордината ўқида - митохондриялардаги митокАТФ-канални фаоллиги % ларда ифодаланган, абсцисса ўқида – тажриба гуруҳлари келтирилган. \*P<0.05; \*\*P<0.01; \*\*\*P<0.001; n=6.

Навбатдаги тажрибаларда каламуш юрак *mPTP* ҳолатига гетасан полифенолининг таъсири ўрганилди. Тажрибаларда гетасан 10 мкМ, 20 мкМ, 30 мкМ, 40 мкМ ва 50 мкМ концентрацияларда *mPTP* конформацион ҳолатига самарали таъсир қилиб, унинг очилишини, назоратга нисбатан концентрацияларга мос равишда  $35 \pm 1,7\%$ ,  $56 \pm 2,4\%$ ,  $75 \pm 2,9\%$ ,  $84 \pm 2,4\%$  ва  $88 \pm 2,3\%$  га ингибирлаши аниқланди. Гетасаннинг яриммаксимал ингибиторлик концентрацияси  $IC_{50} = 18,4$  мкМ ни ташкил қилди. Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, каламуш юраги *mPTP* ҳолатига рутаннинг таъсири худди гетасан таъсирига ўхшаш бўлиб, кўрсаткичлар ўзаро мос келди (натижалар келтирилмаган). Рутаннинг яриммаксимал ингибиторлик концентрацияси  $IC_{50} = 17,2$  мкМ ни ташкил қилди.

Шунингдек, юрак *mPTP* ҳолатига эуфорбиннинг турли концентрациялари таъсири ўрганилганда, ушбу полифенол гетасан ва рутан каби *mPTP* ни ингибирлаши аниқланди. Бунда эуфорбиннинг максимал 100 мкМ концентрацияси юрак *mPTP* сени очилишини, назоратга нисбатан  $91,1 \pm 5,5\%$  ишончли равишда ингибирлади ва яриммаксимал ингибирловчи концентрацияси  $IC_{50} = 42,1$  мкМ ни ташкил қилди. Шундай қилиб, гетасан, рутан ва эуфорбин полифеноллари юрак митохондриялари *mPTP*

ўтказувчанлигига ингибирловчи таъсир қилиб, мембрананинг пермеаблизациясини камайтирди.


Маълумки, *mPTP* нинг очик ҳолатга ўтиши шароитида митохондрия мембраналари ионлар ва зарядланмаган моддалар учун ўтказувчан бўлади, натижада мембрана потенциали камаёди ва оксидланишли фосфорланиш жараёни ажралади ҳамда хужайрада АТФ дефицити ривожланади. Юрак *mPTP* си кардиопротектор воситалар учун «нишон»дир, ушбу воситалар *mPTP* очилишига ингибитор сифатида таъсир қилиб, митохондрия мембраналарини стабиллаштиради. Юқоридаги мантиққа асосланиб, рутан, гетасан ва эуфорбин полифеноллари истиқболда самарали кардиопротекторлар сифатида қўллаш мумкин, деб тахмин қилишимиз мумкин.

Диссертация ишининг «**Экспериментал гипоксия моделларида янги антигипоксантиларни аниқлаш**» деб номланган бешинчи бобида рутан, гетасан ва эуфорбиннинг антигипоксик фаоллиги тадқиқ қилинди. Шунингдек, турли гипоксия моделларида ўрганилаётган полифенол бирикмаларининг антигипоксик хоссалари кверцетин ҳамда «Мексидол» га нисбатан баҳоланди.

*Нормобарик гипоксия моделида рутан, гетасан ва эуфорбин полифеноллари антигипоксик фаолликларини тадқиқ қилиш.* Гипоксия – патологик жараён бўлиб, организм турли тўқималарида биологик оксидланиш ҳамда энергия таъминоти даражасининг абсалют ёки нисбий етишмовчилигидир. Экспериментал илмий тадқиқотларда, нормобарик гипоксия янги антигипоксик воситаларни аниқлашда қулай скрининг модел ҳисобланади. Кейинги босқич тадқиқотларимиз нормобарик гипоксия моделида рутаннинг гипоксияга қарши фаоллигини аниқлаш мақсадида олиб борилди. Бунинг учун рутаннинг 25 мг/кг тана массасига нисбатан; 50 мг/кг тана массасига ҳамда 100 мг/кг тана массасига дозалари танлаб олинди. Чунки, рутан IV синф кам захарлик моддалар қаторига кириб, ушбу дозалар таъсирида унинг бошқа фаолликлари ўрганилган. Тажриба натижалари, рутаннинг тадқиқ қилинган барча дозаларида антигипоксик хоссаларини намоён қилганлигини кўрсатди. Аниқроқ айтганда, тажрибаларда назорат гуруҳи ҳайвонлари яшаш даври  $23,8 \pm 2,2$  минутни ташкил қилди. Рутан гипоксик шароитдаги ҳайвонлар яшаш даври 25 мг/кг дозаси таъсирида  $33,0 \pm 1,8$  минутни ташкил қилиб, ушбу дозада рутан ҳайвонлар яшовчанлигини 9,2 минутга узайтирди ва гипоксияга қарши самарадорлиги 38,7% ни ташкил қилди. Ҳудди шунингдек, фаоллик рутаннинг 50 мг/кг ҳамда 100 мг/кг дозаларида мос равишда кузатилди ( $38,8 \pm 1,8$  мин. ҳамда  $40,1 \pm 2,4$  мин.). Ушбу дозалар таъсирида ҳайвонлар яшовчанлиги 15,0 ҳамда 16,3 минутга узайди. Натижаларни статистик таҳлил қилиш, рутаннинг 50 мг/кг ҳамда 100 мг/кг дозалари фаолликлари орасида фарқ жуда камлигини кўрсатди. Ушбу дозаларда рутаннинг гипоксияга қарши самарадорлиги, мос равишда 63,0% ва 68,4% ни ташкил қилди. Шу сабабли рутан ва бошқа полифеноллари антигипоксик самарадорлигини аниқлашда сичқонлар тана массасига нисбатан дозаси 50 мг/кг танлаб олинди.

Антигипоксик ва бошқа доривор моддаларнинг самарадорлигини баҳолашда, фармакологияда кенг қўлланиладиган препаратлар фаолликлари билан қиёслаш тавсия қилинади. Шунинг учун, ушбу ишда гетасан, эуфорбин и рутаннинг антигипоксик хоссалари кверцетин и «Мексидол» билан таққосланди. Кверцетин антиоксидантлик, антирадикаллик ва мембранафаоллик хоссалари билан бир қаторда, антигипоксик таъсирга эга, шунингдек, «Мексидол» ҳозирги кунда тиббиёт амалиётида антигипоксик доривор сифатида кенг қўлланилади.

